

Икки нарса аник эди. Безил амаки бой эди. Безил амаки кашшок эди.

Бутун оиласлагиларнинг фикри шундай эди. Улар пулга мухтох бўлган пайтларда у хакда дунёдаги барча хакоратли сўзларни ишлатишарди. Ювош Клотилда хам бўйнидаги дури эскириб колгани учун янгисини сотиб олишни истаган куни уни оддийгина килиб Скруж Безил деб атади. Хали пули тўлик тўланмаган «Астон Мартин»ини уриб олган Персивал Безил амакини коксуяқ, кашшок, зикна, ярамас ва шу каби бир катор «безакдор» сўзлар билан таърифлади! Колганлар хам у хакда лугатда бор-у йўқ сўзларни ишлатиб бўлишганди.

«Шунча пули бор одам бунчалик зикна бўлмаслиги лозим», деди Персивалнинг онаси, «Лекин у хакда ёмон сўз айтма. Кулогига етиб бориши мумкин».

«У бойлигини кабрига олиб кетолмайди», деди Персивалнинг опаси соchlарини тааркан, «Мен янги мўйна палто сотиб олиш учун пул сўрагандим, у «Палтони нима киласан? Хозир ёз-ку», деди. У хасис».

«У бойлигини кабрига олиб кетолмайди» деган сўзлар Безил амакининг олдида хам тез-тез айтиладиган бўлиб колганди.

«Бунча бойликни кабрингизга олиб кетармидингиз, Безил амаки», дейишарди улар.

«Нега шахар четидан кенг ховли олиб яшамайсиз? Биз меҳмон бўлиб бораардик. Кандай зўр бўларди. Бойлигингизни нариги дунёга олиб кетолмаслигингизни ўзингиз хам биласиз-ку».

Безил амаки ўзини кулоги оғир одамдек тутиб, уларнинг барча сўзларини эшитганди. У ўзининг кизганчик, хасис, зикна, ярамас, бир чака устида дўмбалок ошадиган, бойликка ўч, емай тўплайдиган одам эканлигини билиб олганди. У бундан хам баттаррок сўзларни эшитганди. Барибир, парвойи фалак эди. Факат, «У бойлигини кабрига олиб кетолмайди» деган сўзлар унинг асабини кўзиради.

У Трансваалда олтин топилган пайтда ўша ерга бориб бойиб кетганди. Одамлар унинг роҳатда яшаш учун анча кариб колганлигини айтишарди. Улар нимани хам билишарди? У хаммага «йўқ» деб роҳат киларди. Одамлар тсиркдаги хайвонларга ўхшашади, ўйлаб коларди у кўпинча, уларнинг минглаб талаб-истаклари олдида бошка нарсаларнинг кадри йўқ.

У факат бир марта «хўп» деганди. ўшанда, синглиси ундан акли нокисрок ўгли Вернерни ўз ёнига олишни сўраганди. «У сенинг ёрдамчинг бўлади», деганди синглиси Мауд.

Вернер унга барча ишларда ёрдам бермаса-да, хар калай Безил амакининг югар-етими сифатида унинг ёнида юрганидан хурсанд эди.

Безил амаки бойлигига мос бўлмаган кичкинагина уйда яшарди. Вернер ховлидаги дарахтларга карап, тамаки дўконидан когоз олиб келар, бўш пайтларида эса тирнокларини текислаб ўтиради. У Безил амакига «Сиз бойлигингизни нариги дунёга олиб кетолмайсиз», демасди, чунки унга бойликнинг кизиги йўқ эди.

Безил амаки шунингдек, Вернердан хамкорлари, банк ва шу каби ишларга хат ташувчи сифатида хам фойдаланар, зеро у почтага хам, телефонга хам ишонмасди. Вернер калин хатжилларни у ёқдан-бу ёкка ташиб ўрганиб колган, уларнинг ичидаги нима борлигига кизикиб хам кўрмасди. Безил амакининг адвокати, хисобчилари ва банк ходимлари хам бу кишининг антика бизнес усулига кўнишиб колишганди. Бойлар ўзлари истаганларидек иш килишлари мумкин.

Безил амакининг яна бир антика иши шу бўлдики, у соппа-сог юрган пайтидаёк Вернер

билан дурадгорлик дўконига борди ва ўзи учун тобут ясашга буюрма берди. У тобутнинг каттарок бўлишини айтди.

Ёши Безил амаки билан тенг бўлган дурадгор унга нархи арzonрок, рандаланмаган тобут ясаб берадиган бўлди. Рандалангани икки баробар киммат эди.

«ўзим рандалаб оламан», деди Безил амаки. «Ёки Вернер, хали вактимиз кўп. Мен эртага ўлмокчи эмасман. Унда уйдагилар хурсанд бўлиб кетишади. Мен рохатланишни ёқтираман».

Бир куни эрталаб у Вернерни адвокати олдига жўнатди. Буни эшитиши билан бутун оиласдагилар Безил амаки пулинин кимга васият килиб колдириши тўгрисида можаро бошлишди. У бу хакда кейинрок айтишини билдириди. «Бу хакда бошка сўз очманлар», деди у.

Бу воеа уй бекаси эрталаб чой келтираётиб, Безил амакининг абадий уйкуга кетганини кўришидан ўн йил илгари бўлганди. ўтган ўн йил давомида у рохатланиб яшади.

Оиласдагилар уни безовта килишмади, унинг сармояси тўхтовсиз ўсиб борди.

Факатгина доим пулга ўч Персивал унинг чойига захар солиб кўйишни ўйлаб юрар, факатгина Безил амакининг ўлими унинг бу режасини тўхтатиб колди. «Бахтли ўлим», дейишиди бутун оиласдагилар. «Кийналмасдан жон берибди».

Улар амакиларига кандай меҳрибон бўлишганини эслай бошлишди ва унинг меросига кўпроқ ким хакли экани хакида бахс бошлаб юборишиди. Хар бир киши ўзининг кандай меҳрибонликлар кўрсатгани ва фактат ўзи меросга хакли эканлигини айтиб кичкиради.

Улар адвокат билан маслахатлашишиди. У Безил амакининг васиятини айтди. Кўмиш маросими зудлик билан ўтказилди. Тобут уй оркасидаги бодга. Вернер унинг каердалигини биларди.

«Бошка хеч нарса демаганми?»

«Хўш», деди адвокат, «у кўмиш маросимиша шахардаги энг яхши дўкондан энг яхши маҳсулотларни сотиб олишингларни айтган. Фоз ва курка, мол ва кўй гўшти, вино ва вискилар олий сифатли бўлиши керак». Адвокат хонасида яна бир хатжилд борлигини, унда нима ёзилганини билмаслигини, кўмиш маросими тугагандан сўнг уни очиб ўкиб беришини айтди.

Хамма кимматбахо кора кўйлак сотиб олди ва маросимга тайёргарлик кизиб кетди.

Факатгина Вернер Безил амакига бошка тобут сотиб олмайсизларми, деди. Богдаги тобут ёмғирда колиб бузилиб кетганди. Лекин унга хеч ким кулок солмади. Барibir, ер тагида колиб кетадиган нарса, янги тобутнинг нима кераги бор?

Шундай килиб, йиги-сиги билан Безил амакини кўмишди. Оиласдагилар уй бекаси тарк этаётган кичкина уйга йигилишди. Безил амаки унга анчагина нақд пул берган ва уни кандай килиб кўпайтириш мумкинлигини ўргатиб кетганди.

Улар Вернердан уй энди унинг номида эканлигини эшитиб ажабланишиди, лекин газабланишмади. Безил амаки унга хам озрок пул берган ва уни кандай ишлатишни ўргатганди. Оиласдагилар Вернер шу пулга рози эканини эшитиб енгил тортишди. Вернер кўп пул ушлаб ўрганмаган, кўп пулга муҳтоҷ эмасди.

Нихоят, адвокат хатжилдни очганида уйга жимжитлик чўкди. Унинг ичидаги Безил амакининг кўли билан бир сатр гап ёзилган когоз бор эди:

«Пулларимни ўзим билан олиб кетдим».

Бу канакаси бўлди? Унинг миллион-миллион пули бор эди-ку!

Ха, дейишиди, хисобчилар, банк ходимлари. Безил амаки ўтган ўн йил давомида бор бойлигини нақд пулга айлантириб кетганди. Лекин уларни нима килган? Буни хеч ким

билмасди.

Бу хакда Вернердан сўраб кўриш хеч кимнинг хаёлига келмади. Вернер ўн йил давомида банқдан олиб келган хамма хатжилдларни Безил амакининг тобутига ёпиштириб чикканди. Аввал у хатжилдларни тобутнинг хамма тарафига ва остига ёпиштирганди. Сўнгра эса Безил амаки буюрганидек, тобутга калин матони майда мих билан кокиб ташлаганди.

Вернернинг боши яхши ишламаса-да, кўл-оёги чаккон эди.

У буюрилган ишни аъло даражада бажарганди.

Инглиз тилидан Д. АСКАРОВ таржимаси.